

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ТУЛЯГАНОВА ГУЛНОЗА ОЛИМЖОН ҚИЗИ**

**ТАЛАБАЛИК ДАВРИДА ИНДИВИДУАЛ ИМКОНИЯТЛАРНИ  
РҮЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Психология фактори бүйнелүү философи доктори (PhD) диссертацияны  
антидиференциал мүнхийн жана**

**Огынделение антидиференциал диссертации  
доктори философии (PhD) по психологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Psychological Sciences**

<b>Тулуганова Гульнара Олимжан кызы</b> <b>Галабилик даярда индивидуал имкончыларин рүйүнчөөлүрдүү психологик омилдири</b>	3
<b>Тулуганова Гульнара Олимжан кызы</b> <b>Психологические факторы самоутверждения в студенческий период</b>	21
<b>Tulyagany - Gulnoza Olimjan qizi</b> <b>Psychological factors of realization of individual possibilities in the student period</b>	39
<b>Дылдоң кишин алыштар рүйхүүтү</b> <b>Список опубликованных работ</b> <b>List of published works</b>	43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУДУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
БСЕДЗ-30-01 2020 Р.26.02 РАКАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУЛЯГАНОВА ГУЛНОЗА ОЛІМЖОН КИЗИ**

**ТАТАБАЛИК ДАВРИДА ИНДИВИДУАЛ ИМКОНИЯТЛАРИН  
РҮБГА ЧИҚАРИШНИҢ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

**19.00.06 – Ёт ва педагогик психология. Риёзжанниш психологиясы**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҮНЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (РұБ) ДИССЕРТАЦИЯСЫ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Философа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Узбекистон Республикаси Ҳизбатири  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/P129 рабкорни билингв  
рўйхатта олингни.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетидан бахаринган

Диссертация автореферати уч тилда (Узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий жадиди мағ  
саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва "Zionet" Ахборот тавлиим порталида ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz))  
жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Халилови Наргизи Искромалиевна  
психология фанлари номзоди, доцент**

**Расмий оппонентлар:**

**Абдурасулов Рустам Абдураимович  
психология фанлари доктори, доцент**

**Туйчиева Сиодит Меликузинна  
психология фанлари номзоди, доцент**

**Етакчи ташқилот:**

**Узбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги  
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 рабкорни Илмий Кенгашидаги 2021 йил 04 » июн г.  
соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кўчаси, 27-йй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail:  
[tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс  
марказида танишпиш мумкин (№ 1442 рабкори билан рўйхатта олингни). (Манзил: 100185, Тошкент  
шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-йй, Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2021 йил 04 » июн ср. куни тарқатилиши  
(2021 йил «      » даги        рабкорни реестр баённомаси).



## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бугунги глобаллашув шаронтида шахсни ҳар томонлама вояга етказиш унда таълим мухим ўрин тутади. Бугунги тезкор давр талабаларни ҳам қиска муддатда асосли маълумотлар билан куроллантириш, улар томонидан турли фан асослари пухта үзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда. Замонавий шароитда таълим жараёнини барча имкониятларига кура, шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятини тарбиялашга йуналтирилиши талаб қилинмоқда. Бунда таълим талабанинг фикр ва хулқ стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йуналтирилиши, педагогик-психологик шарт-шароитларни тұлалигича талабанинг индивидуал имкониятларини рүёбга чиқариш, қобилиятини ривожлантириш, шахс сифатида камолотта етишини таъминловчи, тафаккур ва дунёкарашини бойитиш масалалари буйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида талабаларнинг индивидуал имкониятларини рүёбга чиқариш, инсоннинг ҳаётдаги асосий мақсадни англаш, агрессив эхтиёжлар, психологик майдон, шахс имкониятлари, узини узи фаоллаштириш, узини узи англаш, узини узи ривожлантириш, узини узи ошкор қилиш хусусиятларини үрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ЮНЕСКО қошидаги Global Education Monitoring Report (GEMR) ва Халқаро таълимни режалаштириш институти (ПЕР) мутахассислари томонидан тайёрланган янги дастурий ҳужжатга биноан дунё миқёсида 2000 йилдан 2014 йилгача университет талабалари сони икки баравар купайиб, 207 миллион кишини ташкил этди<sup>1</sup>. Бу тадқиқотларда бугунги кунда ушбу ижтимоий гуруҳда уз имкониятларини тұлалигича рүёбга чиқариш, узини узи фаоллаштириш масалаларини үрганишга эътибор берилмоқда.

Республикамизда ёшлар доимо давлат ва жамият дикқат марказида эканлиги сабабли мустаҳкам ҳукукий асосга эга кучли ёшлар сиёсати олиб борилмоқда. Таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг аҳамиятини маълум бир демографик куринишда акс эттирадиган булсак, Узбекистон умумий аҳолисининг 35% ини 16 ёшгача булган ўсмиirlар, 62% идан купроғини 30 ёшгача булган ёшлар ташкил этади. Бу масала Узбекистон Республикаси Конституцияси, 20 дан ортиқ қонун ва фармонларда уз аксини топган. Шунингдек, 2021 йилнинг “Ёшларни қуллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустахкамлаш йили” деб зълон қилиниши<sup>2</sup> ҳам ёшларни

<sup>1</sup> [http://www.unipage.net/tu/student\\_statistics](http://www.unipage.net/tu/student_statistics)

<sup>2</sup> <http://www.crasmusplus.uz/Uzbekistan>

<sup>3</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/29/president>

фаоллаштириш, уларнинг ҳаётда уз муносиб ўриниларини топиштига кумаклашиш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Натижада талабалик даврида индивидуал имкониятлар самараали рӯёбга чиқарилишини белгилаб берувчи психологик омилларни үрганиш асосида бу жараёнига фаоллаштирувчи таъсир курсатишнинг амалий усууларини такомиллаштириш йуналишларида илмий изланишларни чукурлаштиришга имкониятлар яратилиди.

Мазкур диссертация иши Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси тұғрисида”ги, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қуллаб-куватлаш тұғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 5 июняғы ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш буйича қушимча чора-тадбирлар тұғрисидаги”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июняғы 472-сон “Психология соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳукуқбузарлышларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги қарори, шунингдек, ушбу фаолият тизимиға тегишли бошқа меъерий-хукуқий хужжатларда белгиланған вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қиласы.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йуналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йуллари” устувор йуналишига мувоффик бажарылған

**Муаммонинг үрганилғанлик даражаси.** Шахс индивидуал имкониятларини рӯёбга чиқариши муаммолари узбекистонлик ва хорижий изланувчиларнинг күпілаб тадқиқотларининг предмети булған Мамлакатимизда мазкур йуналиш доирасида Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, А.А.Файзуллаев, Н.С.Сафаев, Ҳ.А.Рухиева, Б.Т.Гаппиров, Ш.В.Азизова, Ў.Б.Шамсиев, Қ.Б.Жураев, А.И.Расуловларнинг илмий изланишларида үсмир үқувчиларнинг үкув фаолиятини бошқариш хусусиятлари, бошланғыч ва юқори синф үкувчилари ҳамда талабаларнинг узини узи бошқариш жараёнидаги фикрлаш фаолияти, узини узи бошқариш жараёнини үқув фаолияти билан бөглиқлиги, шахс фаолиятида мотивацион үзини үзи бошқаришнинг узига хослиги, миллий узини узи англашнинг таркибий компонентлари, үсмирлик даврида узини узи муҳофаза қылышнинг имкониятлари, динамикаси, умумий ва қиёсий типологик курсатқичлари.

ахлоқий узини узи англаш, бола шахсида узини узи инглишида оиласинг таъсир масалалари урганилган.

Россиялик тадқиқотчилар орасида С.Л.Березин, И.Ф.Ведин, Л.Н.Коган, В.А.Петровский, Е.П.Никитин, Н.Е.Харламенкова, Д.А.Леонтьев, В.Г.Ромек, Р.Х.Шакуров, М.Л.Кубышкин, А.Я.Анцупов, А.И.Шишлов, Н.В.Самоукина, Н.Н.Толстых, В.С.Мухина, В.Г.Маралова, Н.Ф.Калугина, Г.С.Абрамова, Г.И.Корчагинларнинг илмий изланишларида фаолиятли йуналиш позицияси нажодий узини узи баҳолашга интилиш, ичко узини узи билиш механизми, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришнинг ёш жиҳатлари, индивидуал имкониятларини ривожланиш ўзун сифатида англаш, ўз имкониятларини рўёбга чиқариш типологияси нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

Узок хорижлик мутахассислардан З.Фрейд, А.Адлер, К.Хорни, Э.Берн, Томас Харрис, Э.Эриксон, К.Г.Юнг, Х.Шульц-Хенке, К.Левин, К.Роджерс, А.Маслоу, Э.Фромм, Р.Мей, В.Франкларнинг тадқиқотларида инсон характерини шахсий ривожланиши ота-она ва бола муносабатлари тизимида интерперсионал муносабат комплекси, ҳаётий сценарий, идентиклик, шахс динамик жараёни, инсоний ҳаётдаги асосий максадни англаш, агрессив эҳтиёжлар, психологик майдон, шахс имкониятлари, узини узи фаоллаштириш, узини узи англаш, узини узи ривожлантириш, узини узи ошкор қилиш хусусиятлари жиҳатидан урганилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим мұассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертацион тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-126 “Узбекистон ёшларида психологик курсаткичларини урганишнинг психодиагностик воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш (2017-2021 йй)” лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабалик даврида индивидуал имкониятлар самарали рўёбга чиқарилишини белгилаб берувчи психологик омилларни урганиш асосида бу жараёнга фаоллаштирувчи таъсир курсатишнинг амалий усулларини такомиллаштириш.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

шахс уз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришнинг мазмуни ва таъсир механизмларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

шахс имкониятларини рўёбга чиқаришнинг таркибий компонентларини аниклаш;

шахс индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришнинг 9-узунги бўлган муносабат, узини узи фаоллаштириш, шахснинг мотивацион соҳаси, иродавий сифатлар билан интеркорреляцион хусусиятларини аниклаш;

шахснинг уз имкониятларини рўёбга чиқаришнини таъминлашга каратилган амалий синовдан утказилган, илмий асосланган коррекцион ривожлантирувчи дастур ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти талабалик даврида индивидуал имкониятларни рүёбга чиқариш жараёни булиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабалари (1-курс 71 нафар, 3-курс 74 нафар), Урганч давлат университети талабалари (1-курс 69 нафар, 3-курс 63 нафар), жами 277 нафар респондент танлаб олинди**

**Тадқиқотнинг предмети талабалик даврида индивидуал имкониятларни рүёбга чиқаришнинг намоён бўлиш ва ривожланиш хусусиятлари.**

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда куйидаги методикалар кулланилди. “Шахснинг уз имкониятларини рүёбга чиқариш стратегиялари” (Е.П. Никитин, Н.Е. Харламенкова); “Шахснинг ўз-узига бўлган муносабатини аниклаш” (С.Р. Пантелеев); “Шахс мотивацион тузилишининг диагностикаси” (В.Э. Мильман); “Шахс узини узи фаоллаштиришини диагностика қилиш” (Н.Ф. Калина); “Шахс иродавий сифатларини ўрганиш” методикасининг модификацион варианти (В.М. Чумаков) шунингдек, маълумотларни қайта ишлашнинг математик-статистик методлари (Стъюдентнинг тезорини камда К.Пирсоннинг г-корреляция коэффициенти) методларидан фойдаланилган

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат деструктив тип шахс индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришнинг таркибий компонентларидан қанчалик узоқ булса, когнитив жараёнларни етарли шаклланмаганилиги сабабли уларнинг укув фаолиятида муваффакиятга эришишга булган интилишлари паст ва конструктив типда уз ички имкониятларидан самарали фойдаланиш, ўз узидан қоникиш, ўзига нисбатан ишонч ҳиссини кучлилиги етарли ифодаланган булса, таълим жараёнида билим олиш ҳамда муваффакиятга эришишларини самарали булиши асосланган,

талаба шахсида рефлексив хусусиятларни түгма лаёкати асосида ёшга мос равишда кучли ривожлантирилиши шахс мотивациясига таъсир қилиши натижасида шахснинг индивидуал психологик хусусиятларига ва уларнинг ижтимоий психологик стимуллашга боғлиқлиги очиб берилган;

талаба шахсидаги иродавий сифатлар мотивациясини ривожланиш даражаси ошиши ҳисобига психологик установка таъсирида шахс индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришда конструктив типини кучли ифодаланиши асосланган;

шахснинг ақлий имкониятларини рүёбга чиқаришда эмоциялар психологик таъсир қилиш орқали бош миянинг қобик қаватидаги тафаккур жараёнига масъул булган марказларнинг фаоллиги кучайиши натижасида шахснинг потенциал имкониятларидан самарали фойдаланиш мумкинлиги аникланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацион изланиш натижаларининг ишончлилиги унда илмий жиҳатдан асосланган, калъири мөккесда тан олинган методик воситалар, математик-статистикадан тозик методлари кулланилгани, синалувчилар танланма тупламишининг ҳамми ва

унинг репрезентативлиги, эмпирик изланишлар назарий чукур асослаб берилгани, аниқланган курсаткичларнинг бошқа муаллифлар тақдим этган мълумотлар билан қиёсий таҳлил этилиб, бунда ишончли манбаларга асосланилганлиги, асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик уртасида мухомама қилингани билан таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацион иш натижалари шахс уз имкониятларини руёбга чиқаришнинг мотивацион-иродавий ҳамда рефлексив хусусиятлари билан боғлиқлигига доир илмий тасаввурларни бойитади, илмий тадқиқот талабалик даврида узини узи фаоллаштириш, уз узига муносабат, иродавий сифатлар ва шахс мотивацион соҳаси каби жараёнларни урганиш билан алоқадор янги истиқболдаги йуналишни очиб беради.

Диссертация материаллари ва натижалари психодиагностика ва психокоррекция йуналишида таълим-тарбия жараёнини психологик куллаб-куватлаш мақсадида қулланилиши мумкин, тадқиқот вазифалари доирасида ишлаб чиқилган ва қулланилган психологик ташхис воситалари, психологик тренинг машгулотлари тизимидан амалий тадқиқотларда фойдаланиш тавсия этилган, шунингдек диссертация иши мълумотларидан “Психология назарияси ва тарихи”, “Ривожланиш психологияси ва педагогик психология”, “Психодиагностика ва экспериментал психология”, “Психологик тренинг асослари”, “Психологик хизмат асослари”, “Умумий психология”, “Тараккиёт психологияси ва дифференциал психология”, “Умумий психодиагностика”, “Социал психологик тренинг” фанлари бўйича назарий ва амалий машгулотлар утказишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шахснинг уз имкониятларини руёбга чиқаришни урганиш доирасида амалта оширилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

деструктив тип шахс индивидуал имкониятларини руёбга чиқаришнинг таркибий компонентларидан қанчалик узок бўлса, когнитив жараёнларни етарли шаклланмаганлиги сабабли уларнинг укув фаолиятида муваффакиятга эришишга булган интилишлари паст ва конструктив типда уз ички имкониятларидан самарали фойдаланиш, уз узидан қониқиш, узига нисбатан ишонч ҳиссини кучлилиги етарли ифодаланган бўлса, таълим жараёнида билим олиш ҳамда муваффакиятга эришишларини самарали булиши асосланган илмий хуросалар Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги “Психология” укув-илмий марказининг 2020 йил 26 августдаги 10-сонли буйруғига асосан “Шахслараро муносабатлар психологияси” модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги “Психология” укув-илмий марказининг 2020 йил 26 августдаги П-М-106-сонли мълумотномаси). Мазкур таклифларнинг 27 ири этилиши натижасида амалиётчи психологларда уз имкониятларини руёбга чиқаришнинг комплекс психологик манбалари аниқланди ва бойитилди;

тапбасида рефлексив хусусиятидан тұмнапәкетінде ағылшын мәдениетінде күңіл ривожлантирилген шахс мотивациясында таъсир қылыш натижасыда шахснин индивидуал психологияк хусусиятидан да уларның іжтімай психологияк стимулдардың болыларынан очып берилған эмпирик мәдениеттер. Тошкент давлат педагогика университетінде қазақ тәжірибелі педагогика "Психология" үкув-ілмий марказында 2020 йыл 26 аугустдагы 10-сони бүйргіта ассоци "Умумий психологиялық поститка" модулида кириллицада (Тошкент давлат педагогика университетінде қазақ тәжірибелі педагогика "Психология" үкув-ілмий марказында 2020 йыл 26 аугустдагы П-М-106-сони мәдениеттөмөсі) Мазкур тәжірибелі жорий этилиниң натижасыда шахс үз имконияттарынан рұебға чықарылғаннан өтіп де психологияк омылларының тибантая олған ҳолда илмий мәдениеттер ағылшын мәдениеттерде методик тәжірибелі күнделіктіріш имкониятын ортада;

тәлаба шахсендегі ирдевиң сифаттары мотивациясынан ривожланғанда дара жасын аныннан қисебиге психологияк үстеловка таъсириде шахс индивидуал имконияттарының рұебға чықарылғанда конструктив тибинде күчли инфодалалығында қарастырылған эмпирик мәдениеттер. Тошкент давлат педагогика университетінде қазақ тәжірибелі педагогика "Психология" үкув-ілмий марказында 2020 йыл 26 аугустдагы 10-сони бүйргіта ассоци "Онтогенез психологиясы ва дифференциялық психология" модулида кириллицада (Тошкент давлат педагогика университетінде қазақ тәжірибелі педагогика "Психология" үкув-ілмий марказында 2020 йыл 26 аугустдагы П-М-106-сони мәдениеттөмөсі). Мазкур тәжірибелі жорий этилиниң натижасыда таълим соҳасы учун тайберлашылған психологиялық касбий ижадияттың таянч компоненттерлеринин тәкомиляштирилгенде сифат жиһатидан үсіншілди;

шахснинг шекий имконияттарынан рұебға чықарылғанда эмоциялар психологияк таъсир қылыш орқын болған мияниң қобиқ қаватидаги тафаккур жарабайтын масъул бұлғын марказарынан фәолдатын күнделікті натижасыда шахснинг потенциал имконияттарыдан самарадан фойдаланып мүмкіншілгидан шыққанда илмий холосалар Тошкент давлат педагогика университетінде қазақ тәжірибелі педагогика "Психология" үкув-ілмий марказында 2020 йыл 26 аугустдагы 10-сони бүйргіта ассоци "Ижтимай психологияк тренинг" модулида кириллицада (Тошкент давлат педагогика университетінде қазақ тәжірибелі педагогика "Психология" үкув-ілмий марказында 2020 йыл 26 аугустдагы П-М-106-сони мәдениеттөмөсі). Мазкур тәжірибелі жорий этилиниң натижасыда таълим муассасаларыда таҳсил олаёткан тақаба-шыларда үз имконияттарынан рұебға чықарылған шығыншын күндейтириш ва ривожлантириш бүйічесі психологияк чора-тадбирлар самарадорлығы оширилди.

**Тадқиқот натижаларынин аprobациясы.** Тадқиқот натижалары республика миқесидеги 2 та ва халқаро даражада 2 та илмий конференцияларда мухокама этилді.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот ишининг асосий натижалари буйича 7 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола жумладан, 6 та республика ва 1 та хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш учта боб хуноса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш кисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йуналишларига мослиги асосланган, диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий укув юрти илмий-тадқиқот режалари билан алокадорлиги очиб берилган, тадқиқотнинг максади ва вазифалари, обьекти, предмети ва тадқиқот методлари ифодаланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган маълумотларнинг ишончлилiği баён этилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг татбиқи ва уларнинг синовдан утиши баён қилинган. Бундан ташқари чоп этилган ишлар ва диссертация ҳажми туғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Шахс индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш муаммосининг психологияк-педагогик адабиётларда урганилганлиги” деб номланиб, унда шахс уз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш ҳодисасининг психологик моҳияти, уни фанда урганишнинг илк даврлари, замонавий психологида шахс индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш муаммосининг урганилиш ҳолатига доир масалаларни ёритишга эътибор каратилган. Дастрлаб шахс уз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш тушунчасига фалсафий, педагогик, психологик нұқтаи назардан ёндашувлар илгари сурилган. Жумладан, уз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш – шахснинг үзини узи юқори баҳолаш даражасини саклаб қолиш, узгалар томонидан қилинган эътирофлар ва уз фикрининг тасдиғига интилевчи хулқ-атвор куринишида булишdir (Н.Н Толстых, 2016). Айни вактда тадқиқот ишимиз Э.П.Никитин ва Н.Э.Харламенковаларнинг уз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш – бу юқори баҳога ва уз шахснин юқори баҳолашга интилиш, шу интилиш билан шартланган хулқ-атвордир (Э.П.Никитин, Н.Э.Харламенкова, 2000) деган нұқтаи назарига асосланганлиги курсатилади.

Шахс уз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш муаммосини тадқиқотларда ўрганиш тажрибасини таҳлил этишда дастрлаб Шарқ алломаларидан Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юнис Юғнакий, Махмуд Қошғарий, Унсурулмаолий Кайковус, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Жалолидин Давоний ва бошқаларнинг илмий изланишларига эътибор каратилган. Жумладан, маълум булдики, Шарқ

алломалари томонидан шахс ўз индивидуал имкониятларини рўёбга чикдиш масаласи узини узи англаш, шахс тарбияси, узини ўзи тарбиялаш, узини ўзи назорат қилиш жараёнлари билан алоқадорликда очиб берилган

Биринчи бобнинг асосий қисми файласуфлар (И.Кант, А.Шопенгауэр, Д.Ницше, Г.В.Сурдин, Г.К.Сайкина), педагоглар (Ю.Н.Чибечева, Т.Д.Байрамкулова, З.Б.Исломова, Н.Н.Бузюмова, О.А.Моисеева, Г.Г.Лаптева, Н.А.Козирева), психологлар (А.Адлер, К.Левин, Сл.Рубинштейн, А.Я.Анцупов, А.И.Шипилов, Н.В.Самоукина, Н.Н.Толстых, В.С.Мухина, Э.П.Никитин, Н.Е.Харламенкова, К.Зеельман, А.Н.Леонтьев, Ю.М.Орлов, С.Б.Каверина, А.Маслоу, В.А.Туева, И.Ф.Ведин, Ш.Н.Чхартишили, М.Р.Догонадзе, Е.А.Киреева, С.А.Лебедев, А.В.Буран, Г.И.Корчагина, Р.Г.Лаптева, А.К.Жаровов, С.Б.Наседкин, К.А.Красильникова, О.А.Вострикова, Л.А.Дыякова) томонидан шахс индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариши муаммосининг турли жиҳатлари илмий ва назарий таҳлил этилиши натижаларидан иборат.

Узбекистон психологларидан М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Розиев, А.А.Файзуллаев, Н.С.Сафаев, Х.А.Рухиева, Э.М.Мухторов, Б.Т.Гаппиров, Ш.В.Азизова, У.Б.Шамсиев, Қ.Б.Жураев, А.И.Расулов илмий изланишларида уз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш муаммоси узини узи англаш, узини узи бошқариш, узини узи назорат қилиш, узини ўзи психологик муҳофаза қилиш, миллий ўзликни англаш, мотивацион узини узи бошқариш, уқув фаолиятида узини узи бошқариш тизими, ахлоқий ўзини ўзи англаш, уқитувчи билан уқувчиларнинг ўзаро муносабат даражалари нұктаи назаридан таҳлиллар биринчи бобда ёритилган.

**“Талабалик даврида уз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришнинг экспериментал урганилганлиги”** деб номланган иккинчи бобда талабалик даврида индивидуал имкониятларни рўёбга чиқариш хусусиятлари, бунда рефлексивлик компонентларининг аҳамияти, талаба индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш ва мотивацион-иродавий соҳаси уртасидаги муносабат хусусиятларига доир масалалар ёритилган.

Инсон дастлаб дунёни англашидан уни қайта яратишга утади, фаол тарзда уз шахсини касбий фаолиятида намоён қила бошлайди ҳамда узининг ҳаёт йулини танлайди. Мазкур танловларнинг муваффакиятли амалга оширилиши ва келажакдаги катта ҳаётнинг самарадорлиги тўғридан-тўғри унинг ривожланишига ҳал қилувчи таъсир курсатади. Шунинг билан бирга уларнинг катта ҳаёт остонасига илк қадам босишлирага асосий таъсир утказадиган психологик тайёргарликларга утиш жараёни аста-секинлик билан, шошмасдан, бир меъёрда амалга оширилиши зарур. Шу бонс талабалик даврида уз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришга таъсир этувчи психологик омилларнинг ролини очиб бериш мухим ҳисобланади.

Дарҳақиқат, талабалик даврида шахс қанчалик узини узи англаши, узини ўзи баҳолаши, узини узи бошқариши, назорат қилиши, ўзини узи тарбиялаши каби рефлексив жараёнларнинг ривожланиши уларда ўз

имкониятларини намоен қилишга нисбатан онгли муносабатни юзага келтиради. Шу нұқтаи назардан олғанда талабалик даврида уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришга таъсир этувчи психологик омилларни урганиш мухим саналади. Шунга мувофик, тадқиқот учун танлаб олинган синаловчилар гурухида “Шахс уз имкониятларини рүёбга чиқариш стратегиялари” методикаси (Е.П.Никитин, Н.Е.Харламенковалар томонидан ишлаб чиқылған) утказилиб, натижалар миқдор ва сифат жихатидан таҳлил қилинди. Микдорий натижаларини яққол ифодалаш мақсадида улар жадвалда акс этирилди (қаранг 1-жадвал).

#### 1-жадвал.

#### **Шахс уз имкониятларини талабалик даврида рүёбга чиқариш типлари уртасида узаро корреляцион алоқадорлик**

Имкониятларини рүёбга чиқариш типлари	Уз имкониятларини рүёбга чиқариш типлари		
	деструктив	конструктив	воз кечиш
Деструктив	1	-0,03	0,25**
Конструктив	-0,03	1	-0,05
Воз кечиш	0,25**	-0,05	1

Изох: \* $p < 0,05$ , \*\*  $p < 0,01$ .

Жадвалда келтирилған натижаларга кура, уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришнинг деструктив типи ва воз кечиш билан ( $r=0,25$ ;  $p < 0,01$ ) ахамиятли даражада алоқадорлик мавжудлигини куришимиз мүмкін. Дарҳақиқат, тадқиқотда иштирок этган барча синаловчилар гурухларида уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришнинг мазкур типлари уртасида узаро ахамиятли алоқадорлик мавжудлиги қайд этилди. Бу ҳам бұлса, талаба узининг укув фаолиятида муваффакиятга эришишни доимий равишда уз имкониятларидан воз кечиш билан боғлиқ тасаввур қилишини англатади. Демек, талабалик даврида уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришга интилиш уз навбатида маълум бир кобиляйт ва имкониятлардан фойдаланишни чеклаб қуяди.

Талабалик даврида узини узи фаоллаштириш ва уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқариш уртасидаги алоқадорлик муаммосини әмпирік жихатдан урганиш мақсадида “Шахснинг узини узи фаоллаштириш даражасини диагностика қилиш” (А.В.Лазукин ва Н.Ф.Калина) ва “Шахс уз имкониятларини рүёбга чиқариш стратегиялари” (Е.П.Никитин, Н.Е.Харламенкова) методикаси орқали узини узи фаоллаштиришнинг вакт ичра йуналғанлық, қийматлар, инсон табиатига назар, билиш зәтиёжи, ижодкорликка интилиш, автономлик, спонтантлик, узини узи тушуниш, ауғосимпатия, алоқа, бу соҳадаги мослашувчанлик каби компонентлар намоен булиш даражасини ва уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқариш типлари билан боғлиқ жихатлари урганилди (2-жадвал).

Әмпирік маълумотлар таҳлилига кура, ижодкорликка интилиш ва уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришдан воз кечиш билан ( $r = -0,14$ ,

$p \leq 0,05$ ) қарама-қарши муносабатга эга эканлиги мәлум бүлди. Мәтуммиятта талаба фаолияти узининг ранг-баранглиги билан ажрышып турали үзини уларнинг таълимий фаолиятларидан кўзланган асосий мақсад келади. Малакали мутахассис сифатида таркиб топтиришдир. Бунинг учун узархозирги кундаги укув фаолияти жараёнида тайёрланадилар. Шу боис талабаларимизнинг аксарият вактлари укув топширикларини тайёрланаштириб, ижодий ёндашишга ҳаракат қилиш учун сарфланади. Бу эса ўзлари билмаган ҳолда уларнинг ўз индивидуал имкониятларидан воз кечишига олиб келади.

2-жадвал.

### Талабалик даврида ўзини ўзи фаоллаштириш ва ўз индивидуал имкониятларини руёбга чиқариш уртасидаги алоқадорлик

Узини ўзи фаоллаштириш компонентлари	Ўз имкониятларини руёбга чиқариш типлари		
	деструктив	конструктив	воз кечиш
Вактни мулжалга олиш	-0,04	0,03	0,004
Қадриятлар	-0,10	-0,05	-0,06
Инсон табиатига назар	-0,007	-0,09	-0,03
Билиш эҳтиёжи	0,01	-0,01	-0,02
Ижодкорликка интилиш	-0,08	-0,09	-0,14*
Автономлик	0,01	0,04	-0,10
Спонтантлик	0,03	0,01	-0,02
Ўзини ўзи тушуниш	-0,01	-0,02	-0,15*
Аутосимпатия	0,04	0,007	-0,07
Алоқа урнатиш	0,02	0,02	-0,09
Мулоқотдаги эгилувчанлик	0,05	0,02	-0,08

Изоҳ: \* $p \leq 0,05$ , \*\*  $p \leq 0,01$

Тажриба натижаларига кура, узини ўзи тушуниш ўз индивидуал имкониятларини руёбга чиқаришдан воз кечиши билан ( $r = -0,15$ ;  $p \leq 0,05$ ) қарама-қарши муносабатга эга эканлиги аникланди. Шахсда ўзини ўзи тушуниш даражасининг юқори эканлиги ўз индивидуал имкониятларини руёбга чиқаришдан воз кечишига олиб келади. Шу уринда айтиш лозимки, талаба узини ўзи тушуниши уларда ҳар қандай амалга оширмоқчи булган фаолиятига нисбатан танқидий ружда қарашни юзага келтиради.

Бу эса кўп ҳолларда хоҳишлиаридан ташқарида булган фаолиятлар билан шуғулланмасликларига олиб келади. Ўз навбатида бу талабанинг индивидуал имкониятлардан воз кечишига сабаб булади. Шу боис талаба шахсида узини ўзи тушуниш ва ўз индивидуал имкониятларини руёбга чиқаришдан воз кечиши уртасида антогенстик муносабат кузатилади.

Талабалар мисолида иродавий сифатлар шаклланишини урганишга нисбатан интилишнинг кучлилиги ҳозирги кундаги тадқиқотлар жараенини яққол сезилмоқда. Айниқса, талабалик даврида укув фаолияти билан боғлих юзага келадиган қийинчиликларда иродавий сифатлар намоён бўлиш

дәржасынан тиікшіши **бұлдаш** мұтахасең шахсеннің хар томоншама үшін көршілген имконияттардың. Шу үрнәci тарькилғаш жоғықи, иродавий сифаттар - бу қызынчылықтардың енгизілген шекалданадығын ҳарактер білдіргендегі шамоён бүлшілік шахс хусусияттілер. Иродавий сифаттарновиг намен бүлшілік факт шеңбер мөншіларын білдіргендегін сипатташтыра алады. Егер тиімдіде шамоён бүлшілік тұтма хусусияттарынан қам болып келгенде тарькилғаш жоғыдір. Тадқықот ішімдізде белгілі болған вазифалар нүктешіліктерден дәстлабки иш тәжібесінен даурида иродавий сифаттар уртасыда алоқадорлық **шахс** шахс ўз имконияттариниң рүёбга чиқариши уртасидаги мүносабат хусусияттариниң текшеріліден иборат болды. Бунинг үчүн сипаттаудағы түрліліктердің тиімділіктерін анықтауда “Шахс ўз имконияттариниң рүёбга чиқариши стратегиялары” (Е.П. Никитин, Н.Е. Харламенкова) ва “Шахс иродавий сифаттарнан урганыш” (В.М. Чумаков) методикаларындаң түзілді. Тадқықот натижаларыдан олинған маълумоттарни яққол ифодалаш мақсадыда улар жадвалда ақе әттерілген (каранш 3-жадвал).

### 3-жадвал.

#### 3-күре тәлабаларда иродавий сифаттар ва уз индивидуал имконияттариниң рүёбга чиқаришга иштеп тұрғандағы алоқадорлық

Иродавий сифаттар	Уз имконияттариниң рүёбга чиқариш типлари		
	деструктив	конструктив	воз кечиши
Масъулиятлылык	0,17*	0,04	0,22**
Ташаббускорлык	0,13	-0,01	0,13
Журъатлылык	0,07	0,09	0,13
Мустақиллик	0,08	0,07	0,21*
Матонатлылык	0,08	0,13	0,12
Қатыннатлылык	-0,26	-0,01	0,006
Ғайратлилык	0,22**	0,03	0,08
Эътиборлилык	0,07	0,16	0,14
Мақсаддағы интилувчаның	0,21*	0,18*	0,06

Изок. \* $p<0,05$ , \*\*  $p<0,01$

Жадвалда келтирілген натижаларға кура, масъулиятлылык ва уз имконияттариниң рүёбга чиқаришдан воз кечиши ( $r=0,22$ ;  $p<0,01$ ) юқори даражада индивидуал имконияттариниң рүёбга чиқаришнинг деструктив типи ( $r=0,17$ ;  $p<0,05$ ) ахамиятлы алоқадор экани күзатылады. Талабалық даврида иродавий сифаттардан мустақиллик уз индивидуал имконияттариниң рүёбга чиқаришдан воз кечиши билан ( $r=0,21$ ,  $p<0,05$ ) ахамиятлы боғлышынан қайд пылады. Бундан куринадикі, талабалық даврида мустақилликнинг күчли даражада шамоён булиши уларда уз индивидуал имконияттариниң рүёбга чиқаришдан воз кечишига олиб келады.

Айникса, талабалық даврида үкув ва касбий фаолият борасыда бир тұтам еки қарорға келинішінде мустақиллик талаб қылмысады. Шуннаның

учун ҳам талаба шахсида мустақилликнинг ортиши улардаги бир қатор имкониятларни чегаралаб қўяди.

Иродавий сифатлардаги ғайратлилик билан ўз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришнинг деструктив типи ўртасида даражада алоқадорлик кузатилали ( $r=0,22$ ;  $p\leq 0,01$ ). Талаба шахсида ғайратлиликнинг ривожланиши ҳар қандай фаолият турига нисбагай даражада интилиш, ҳоҳиш ва истаклари тугилишига сабаб бўлали навбатида талаба шахсида келажакдаги фаолиятига нисбатан интилишини юқори эканлиги бир қатор чекловларнинг юзага келишига сабаб бўлали. Тадқиқот натижаларига кура, мақсадга интилувчанлик ўз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш билан аҳамиятли даражада ( $r=0,21$ ;  $p\leq 0,01$ ) алоқадорликка эга эканлиги маълум бўлди. Таъкидлаш жойзки талаба келажак фаолияти билан боғлиқ ўз олдига қатор мақсадларни кўяди. Мақсадлар уларнинг келажакда амалга оширадиган фаолиятлари учун замин ҳисобланади.

Мотивацион тузилмани шахс томонидан муайян харакатларни амалга ошириш учун асос сифатида куриб чиқиш мумкин Жумладан, шахсий хулқатвори бир мотив билан эмас, балки уларнинг йигиндиси билан белгиланади. Бундай мотивлар шахсга таъсир қилиш даражасига қараб, бир-бирига маълум нисбатда булади ва умумлаштирилган шаклда куплаб диспозицияларни ифодалайди.

Диссертацион тадқиқот ишимиз доирасида талабалик даврида ўз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришнинг шахс мотивашон тузилиши даражасига таъсир курсатиш масаласини ўрганиши мухим саналади. Шу нуқтаи назардан тадқиқот ишимизда “Шахс ўз имкониятларини рўёбга чиқариш” (Е.П Никитин, Н.Е Харламенкова) ва “Шахс мотивацион тузилишини диагностика қилиш” (В.Е Мильман) методикалари утказилиб, олинган маълумотлар миқдор ва сифат жихатидан таҳлил қилинди (қаранг 4-жадвал).

4-жадвал

#### **Ўз индивидуал имкониятларини рўёбга чиқариш ва шахс мотивашон тузилиш соҳалари уртасидаги ўзаро алоқадорлик**

Мотивацион тузилиш соҳалари	Ўз имкониятларини рўёбга чиқариш типлари		
	деструктив	конструктив	возможен
Ҳаётий таъминланганлик	0,13*	0,00	-0,04
Комфорт	0,18**	-0,02	-0,03
Мулоқот	0,17**	0,01	-0,07
Умумий фаоллик	0,09	0,04	0,03
Ижодий фаоллик	0,22**	-0,02	-0,01
Ижтимоий фойдалилик	0,15**	-0,03	0,00

Изоҳ: \* $p\leq 0,05$ , \*\*  $p\leq 0,01$

Этапик тақиқот натижаларига кўра, ҳётгий таъминланганлик ўз индивидуал имкониятларини рӯёбга чиқаришнинг деструктив типи билан ( $r=0,13$ ,  $p > 0,05$ ) ахамиятли мuloқадорликка жа оқанилиги аниқланади. Маълумки, талаба шахсидан уз ҳётгидан қоникни ҳётгий барча эҳтиёжлар билан таъминланганлигі, узворда уз имкониятларини рӯёбга чиқаришнинг деструктив типи ривожланашнинг ижодий таъсири кўрсатади. Чунинчи маъкур топғага кирадиган талабаларда ўзини ўзи юқори баҳолаш, атрофдагилардан ўзини ўстуна қўйиш ҳаби сифатлар кузатилади. Методика натижаларига кура шахснинг уз имкониятларини рӯёбга чиқаришнинг деструктив типи билан кучи даражада ахамиятли ( $r=0,18$ ,  $p \leq 0,01$ ) муносабат мавжудлиги аниқланади. Гаъкиндан ѝонзки, талаба ўкув фаолиятида мұваффакиятта үчишини учун узига қулай мухит яратишни лозим. Бунинг учун талаба курсашылари, тенгдошларини ўйламаган ҳолда узи учун қулай бўлган мухитни яратишга ҳаракат киласди.

Тажриба натижаларига кура, талаба шахсида мuloқотчанлик көбилиятининг ривожланганлиги уз индивидуал имкониятларини деструктив типи билан кучли даражада ( $r=0,17$ ,  $p \leq 0,01$ ) ахамиятли алоқадорлиги қайд этиши Маълумки, талаба уз соҳасига доир библим, қунишка, малакаларни пухта згаллаши ҳамда келажакда малакали мутахассис сифатида шаклланиш учун мuloқотчанлик ривожланиши талаб қилинади. Талабалик даврида ижодий фаоллик уз индивидуал имкониятларини рӯёбга чиқаришнинг деструктив типи билан юқори даражада ( $r=0,22$ ;  $p \leq 0,01$ ) ахамиятлиликка эга ўзиди ижодий фаоллик устувор бўлган талабалар доимий равишда ижодкор, ҳар қандай нарсаға нисбатан креатив ёндашадиган, ихтиро ва кашфиётларни амалга оширишга мойни шахслар ҳисобланади. Тадқиқот натижаларига кура ижтимоий фойдалилик уз индивидуал имкониятларини рӯёбга чиқаришнинг деструктив типи билан ( $r=0,15$ ;  $p \leq 0,01$ ) юқори даражада ахамиятлиликка эга оқанилиги аниқланади. Талабалар фаолиятига назар ташлайдиган бўлсан, улар узининг барча фаолиятларида ижтимоий фаоллик курсатишга ҳаракат киласдилар.

Диссертация ишининг учинчи боби “Шахсда индивидуал имкониятларни рӯёбга чиқаришга интилишни ривожлантиришнинг психокорекцион жиҳатлари” деб номланниб, унда шахс индивидуал имкониятларини ривожлантиришга қаратилган ёндашувлар, талабалик даврида индивидуал имкониятларни рӯёбга чиқариш эҳтиёжини таштирувчи тренинг дастури, талабаларда индивидуал имкониятларни рөсига чиқаришга интилишнинг ривожланиш динамикасига асоснӣ зътибор гаричасиган. Бунда дастлаб талабалик даврида уз индивидуал имкониятларини ривожлантиришга хизмат қилувчи технологияларини таражири асослари очиб берилганд. Шунингдек, талаба шахсида уз-узига бўлинган ишонч қўнишмалари, узини узи баҳолаш ва ўз-узига бўлган муносабатни ривожлантириш, ўз имкониятларини рӯёбга чиқаришида мuloқотчанликтарни бошқаришга доир машқулар мажмуаси уз индивидуал

имкониятларини ривожлантиришдаги асосий восита өканинги асослаң берилди.

Дастлаб шахсда индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришни ривожлантиришга қаратылған ёндашувлар, гуманистик ёндашу, шахста йұналтирылған технологиялар, тренинг гурұхлари, шуннан деген, шахс ривожланишининг эндопсихологик ва экзопсихологик омылларининг мазмунни очиб берилған.

Мазкур тренинг назарияларга монанд равишида талабалик даврида үз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришни ривожлантиришта қаратылған коррекцион-ривожлантирувчи дастур ишлаб чиқилди. Маңтумки тренинг- бу тизимли машғулот ёки маңтум бир белгиланған күнікмаларни ва тренинг иштирокчиларининг хүлк-атворини такомиллаштириш. Психологик тайёргарлик - бу үз имкониятлари, чекловлари, қоидалари ва муаммолари билан ишлашнинг узига хос шакллидир.

Талабалар гурухида индивидуал имкониятларини ривожлантиришга қаратылған психокоррекцион дастур доирасида “Яхши ёки ёлғон”, “Менинг ишончларим”, “Энг яхши”, “Үз-узини таҳлил қилиш”, “Когнитив хатолар”, “Мен кимман?”, “Менинг қадриятларим”, “Менинг кучли томонларим”, “Үзимни қандай тасаввур киламан”, “Мен қандайман?”, “Кудрат”, “Үзини узи назорат қилиш”, “Менинг кайфиятим нимага ухшайды” каби психологик машқлардан самарадағы фойдаланылды. Шундан сунг ишлаб чиқылған тренинг дастурининг самарадорлигини асослаш мақсадида қайта диагностика амалға оширилди (қаранг 5-жадвал).

#### 5-жадвал.

#### Шакллантирувчи эксперимент таъсирида үз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқариш ривожланишининг курсаткичлари

Синаут-чилар гурӯхлари	Үз имкониятларини рүёбга чиқариш типлари	Эксперимент дан олдинги курсаткичлар		Эксперимент дан кейинги курсаткичлар		Тағовуттегі статистик ахамниты (1-мезон және бүйінча)
		M <sub>1</sub>	S <sup>2</sup> <sub>1</sub>	M <sub>2</sub>	S <sup>2</sup> <sub>2</sub>	
Тажриба гурӯхы	Деструктив типи	11,20	18,2	9	5,6	P<0,05
	Конструктив типи	21,35	31,4	30,6	45,64	P<0,05
	Воз кечиш	8,04	13,33	5,41	4,66	P<0,05
Назорат гурӯхы	Деструктив типи	16,6	16,64	17,2	1,36	P>0,05
	Конструктив типи	24	32,25	23	31,6	P<0,05
	Воз кечиш	6,3	3,44	5,9	2	P>0,05

Жадвалда келтирилган натижаларга мувофиқ, уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришнинг деструктив типи тажриба гурухида дастлаб  $M_1=11,2$  ни, шакллантирувчи тажрибадан сўнг эса  $M_2=9$  ни ташкил қылганлиги ҳамда назорат гурухида эса  $M_1=16,6$  ва  $M_2=17,2$  қийматларга эгалиги аниқланди. Шу уринда таъкидлаш жоизки, тажриба гурухида шахс уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришнинг деструктив типи кўрсаткичлари паст даражани ташкил қылганлигини куришимиз мумкин. Ушбу курсаткичлар талабалар гурухида ўтказилган психологик тренинглар узининг самарали натижаларини берганлигидан далолат беради.

Шахс уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришнинг конструктив типи тажриба гурухида  $M_1=21,35$ , шакллантирувчи тажрибадан кейин  $M_2=30,6$  ни ташкил қылганлиги, назорат гурухида эса  $M_1=24$  ва  $M_2=23$  ни ташкил қылганлиги тадқиқот натижаларида аниқланди. Эмпирик маълумотлар таҳлилига кура, талабалар гурухида уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришдан воз кечиш типи буйича натижаларда ҳам аҳамиятли алоқадорлик кузга ташланади. Шунга мувофиқ равишда, уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришдан воз кечиш тажриба гурухида дастлаб  $M_1=8,04$  ни, шакллантирувчи тажрибадан сунг эса  $M_2=5,4$  ни, назорат гурухида эса  $M_1=6,3$  ни ва  $M_2=5,9$  ни ташкил қылганлигини куришимиз мумкин. Натижаларга кура, тажриба гурухида иштирок этган талабаларимизда уз индивидуал имкониятларидан укув ва касбий фаолиятларинда самарали ва уринли равишда фойдалана олишлари таркиб топганлиги аниқланди.

## ХУЛОСА

Талабалик даврида индивидуал имкониятларни рүёбга чиқаришга доир илмий-назарий, эмпирик маълумотларни тизимлаштириш асосида куйидаги хулосаларни шакллантириш уринли:

1. Шарқ қомусий олимларининг асарларида узини узи англаш, узини узи тарбиялаш, уз шахсига ҳурмат, узини узи баҳолаш, узини узи намоён қилиш кабилар шахс уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқариши тъминловчи омиллар эканлиги курсатиб берилган.

2. Хориж психологиясида шахс уз имкониятларини рүёбга чиқариши эҳтиёжлар, мотив, йуналганлик, узини узи аниқлаш, фаолият, хулқ-атвор акти, узини узи баҳолаш, хулқ-атворда узини узи баҳолаш кабилар нуқтаи назаридан гушунтирилади.

3. Талабалик даврида уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришнинг деструктив типи ва индивидуал имкониятларни рүёбга чиқаришдан воз кечиш уртасида аҳамиятли алоқадорлик кузатилади, уз индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришнинг конструктив типи мустакил ҳодиса сифатида намоён булади.

4. Рефлексив жараёнларниң ифодаланиши шахс ўз индивидуал имкониятларниң рүёбга чиқариш тиілларига ахамиятли таъсир күрсатади. Жумладан, ўз-ўзига бұлған муносабаттар тизими ва шахс ўз индивидуал имкониятларниң рүёбга чиқариш тиіллари ўртасыда ахамиятли боғлиқлик кузатилмаса ҳам ўзини ўзи фаволлантиришнинг ижодкорликка ингилиш, узини ўзи тушуниш хусусиятлари ва индивидуал имкониятларини рүёбга чиқаришдан воз кечиш уртасыда қарама-қарши ахамиятли муносабат қайд этилади.

5. Талабалик даврида мотивацион-иродавий соха ва индивидуал имкониятларниң рүёбга чиқариш ўртасыда ахамиятли корреляцион алоқадорлық кузатилади. Жумладан, шахс индивидуал имкониятларниң рүёбга чиқаришнинг деструктив типи ва ўз имкониятларини рүёбга чиқаришдан воз кечиш масъулиятлик, мустақиллик, гайратлилик, мақсадта интилувчанлик билан, ўз имкониятларниң рүёбга чиқаришнинг конструктив типи мақсадта интилувчанлик билан алоқадорлығы асослаб берилди. Айникса, ўз имкониятлариниң рүёбга чиқаришнинг деструктив типи хаётый таъминланғанлик, комфорт, мулоқот, ижодий фаоллик, ижтимоий фойдалылық уртасыда ижобий корреляцион боғлиқлик мавжудлігі асосланилди.

6. Шахс ўз индивидуал имкониятларини ривожлантиришига қаратылған психокоррекцион дастур талабалик даврида самарадор эканлиги аникланды. Бунда таклиф этилған дастур ўз имкониятлариниң рүёбга чиқаришнинг конструктив типига айникса кучли таъсир курсаттындығы қайд этилди.

Тадқиқот натижалари ва улар асосида шакллантирилған умумий хулосалар қуйидаги амалий тавсияларни таклиф этиш имконини бермоқда:

1. Талабалик даврида ўз имкониятларниң рүёбга чиқаришдан воз кечиш ортиб кетмаслигига зътибор қаратыш ва бунинг учун уларда олийгоҳ психологлари раҳбарлығыда ўз-узини намоён қилиш, ўз-ўзига ишонч, узини адекват баҳолаш күнікмаларини таркиб топтириш устида иш олиб борилиши керак.

2. Таълим муассасасидаги үқув фаолияти жараёнида профессор-ұқитувчилар талабаларга ўз имкониятлариниң рүёбга чиқариш мақсадыда ижодий характердаги үқув вазифа ва мустақил таълим топшириктарнан бериши ва бажариш ҳолатини уларнинг ўзи назорат қилишини таъминлаши лозим.

3. Талабалар ўзини ўзи тарбиялашда ўз индивидуал имкониятлариниң рүёбга чиқариш мақсадыда рефлексив жараёнлар таракқиётіга зътибор бериши самарали болади.

4. Олийгоҳлар маънавият булинмлари, ёшлар билан шугуллануачи булинмалари талабаларда имкониятларниң рүёбга чиқаришга хизмат қилуучы мотивацион-иродавий соҳанинг ёшга боғлиқ ривожланишини мунтазам мониторинг қилинишини таъминлаши зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.03/30.01.2020.P.26.02 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТУЛЯГАНОВА ГУЛНОЗА ОЛИМЖОН КИЗИ**

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ САМОУТВЕРЖДЕНИЯ В  
СТУДЕНЧЕСКИЙ ПЕРИОД**

**19.00.06 – Возрастная и педагогическая психология. Психология развития**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.З.РФД/Р129.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме))  
размещён на кеб-странице Научного совета ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на информационно-образовательном  
портале «ZiyouNeb» ([www.ziyouneb.uz](http://www.ziyouneb.uz)).

Научный руководитель:

Халилов Наргиза Икромалиевна  
кандидат психологических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Абдурасулов Рустам Абдураимович  
доктор психологических наук, доцент

Туйчиева Сводат Меликузиневна  
кандидат психологических наук, доцент

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится "04" ~~декабря~~ 2021 года в 10 часов на заседании  
Научного совета DSc.03/30.01.2020.P.26.02 при Ташкентском государственном педагогическом  
университете. (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.:  
(+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского  
государственного педагогического университета (зарегистрирована за №1442). (Адрес: 100185,  
город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Автореферат диссертации разослан 23 ~~11~~ декабря 2021 года.  
(регистр протокола рассылки № 14 от « 11 » декабря 2021 года).



Х.А. Тиллашайхова  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
к психол. наук, доцент

В.М. Каримова  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по  
присуждению учёных степеней, д.  
психол. наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В нынешних условиях глобализации при формировании у личности всесторонней зрелости, совершенства и качества, свойственных квалифицированному специалисту, важное место занимает образование. Требуется вооружение в короткий срок требований сегодняшнего ускоренного периода основными данными, создание необходимых условий для прочного владения ими основами различных наук. В современных условиях в соответствии со всеми возможностями образовательного процесса требуется направленность на развитие, социализацию личности и воспитание в ней способности независимого, критического, творческого мышления. При этом с учётом стратегии мышления и поведения студента проводятся системные работы по вопросам направленности на развитие его личности, специфических особенностей, способностей, полной реализации индивидуальных возможностей студента в педагогико-психологических условиях, развития способности, обеспечения достижения совершенства как личности, обогащения мышления и мировоззрения.

В высших образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира проводятся научные исследования по изучению особенностей реализации индивидуальных возможностей студентов, осознания основной цели человеческой жизни, агрессивных потребностей, психологического пространства, возможностей личности, самосознания, саморазвития, самовыражения. В частности, в соответствии с новым программным документом, подготовленным специалистами Global Education Monitoring Report (GEMR) при ЮНЕСКО и Международного института планирования образования (ПЕР), в мировом масштабе с 2000 по 2014 годы число студентов университетов увеличилось вдвое и составило 207 миллионов человек<sup>1</sup>. В этих исследованиях на сегодняшний день обращается внимание на изучение вопросов полной реализации своих возможностей, самоактивизации в этой социальной группе.

В связи с тем, что в нашей республике молодёжь постоянно находится в центре внимания государства и общества, на прочной правовой основе проводится сильная молодёжная политика. Если показать значение реформ в сфере образования в определённом демографическом виде, то подростки до 16 лет составляют 35% всего населения Узбекистана, а молодёжь до 30 лет – более 62%. Этот вопрос отражен в Конституции Республики Узбекистан, более 20-ти законах и указах<sup>2</sup>. Вместе с тем, объявление 2021 года «Годом поддержки молодёжи и укрепления здоровья населения» также определило в качестве приоритетной задачи активизацию молодёжи, содействие

<sup>1</sup> [https://www.unipage.net/ru/student\\_statistics](https://www.unipage.net/ru/student_statistics)  
<sup>2</sup> <http://www.erasmusplus.uz/UzZhokistan>  
<https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/29/president>

определению ими своего достойного места в жизни. В результате созданы возможности для углубления научных исследований в направлении совершенствования практических методов оказания активизирующего влияния на этот процесс на основе изучения психологических факторов, определяющих эффективную реализацию индивидуальных возможностей в студенческом периоде.

